

БҲҮҒҮҒИ СОНДА:

Зоминнинг қиёфаси
тубдан ўзгаришти

Халқаро аэропорт
замонавий кўриниш
касб этади

Пском дарёси –
тўлқинларга яширинган
энергия

“Янги истеъдодлар – 2022”
таассуротлар,
тафсилотлар ва
натияалар

№ 39 (592)
2022 йил 3 июнь,
жума

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@mail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан
хафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.

О‘ЗБЕКISTON
BUNYODKORI

ЎТИМОЙ-ЎТИСОДИЙ ГАЗЕТА

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ЎЗБЕКISTON – ТОЖИКИСТОН: МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК, ДАВР СИНОВИДАН ЎТГАН ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан
Тожикистон Республикаси Президенти
Эмомали Раҳмон 2 июнь куни
расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари
нафақат қўшни, балки асрлар давомида
қондош қардош бўлиб, бир булоқдан
сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб, ягона
осмон остида бунёдкорлик ишлари
билан шуғулланиб келган, яхши-ю ёмон
кунларда елкама-елка туриб, қийин-
чиликларни енгиб ўтган. Ягона дин, ўх-
шаш маданият, урф-одат ва анъаналар
бир-бирига мустаҳкам боғлаб туради.

Президентларнинг сиёсий иродаси
ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона
сиёсати туфайли сўнгги йилларда мам-
лакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкор-
лиги янги босқичга кўтарилди, халқла-
римиз дўстлиги мустаҳкамланди.

Тошкент халқаро аэропортида олий
мартабали меҳмонни Шавкат Мирзиёев
кутиб олди. Ўтақчилар ўртасида қисқа
суҳбат бўлиб ўтди.

Сўнг Тожикистон Президенти “Янги
Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб,
Мустақиллик монументи пойига гул
қўйди. Меҳмонга мажмуанинг маз-
мун-моҳияти ва меъморий хусусиятлари
ҳақида сўзлаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз-
га келган олий даражадаги меҳмонлар
томонидан ушбу монументга гул қўйиш
маросими анъанага айланди.

Кўксаройда Тожикистон Респуб-
ликаси Президентини расмий кутиб олиш
маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва
Президент Эмомали Раҳмон шохсупага
кўтарилди. Ўзбекистон ва Тожикистон
давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қо-
ровул давлат раҳбарлари олдида тан-
танали юриб ўтди.

Маросимда икки мамлакат расмий де-
легациялари аъзолари ҳам ҳозир бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан
сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳ-
мон тор доирада учрашув ўтказди.

Давлат раҳбарлари биродар халқла-
римиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва
яхши қўшничилик ришталарига асослан-
ган ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Тожи-
кистон ҳамкорлигини янада кенгайти-
риш масалаларини муҳокама қилдилар.

Музокараларда асосий эътибор икки
томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш,
сиёсий, парламентлараро, савдо-иқти-
содий, транспорт-логистика, инвестици-
явий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик-
нинг кун тартибини тубдан кенгайтириш
масалаларига қаратилди.

Кейинги олти йилда ҳамкорликнинг
барча йўналишларида ютуқларга эри-
шилди. Олий даражадаги музокара-
ларда эришилган келишувлар муваф-
фақиятли амалга оширилмоқда. Икки
мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва
идоралари, ҳудудлари ўртасида мунта-
зам алмашинувлар йўлга қўйилган.

Шавкат Мирзиёев ва Эмомали
Раҳмон кўп қиррали Ўзбекистон –
Тожикистон стратегик шериклигини
янада ривожлантириш йўлидан қатъий
боришларини тасдиқладилар.

Давлат раҳбарлари савдонини фаол
кенгайтириш ва саноат кооперациясини
кучайтириш, икки мамлакатнинг логис-
тика ва транзит имкониятларини рив-
ожлантириш ҳамда сув энергетикаси
лойиҳаларини амалга ошириш орқали
муносабатларни янги амалий мазмун
билан бойитишга тайёр эканликларини
билдирдилар.

2-бет

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА “МАҚСАДЛИ ДАСТУРЛАР МОНИТОРИНГИ” ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ ИШГА ТУШДИ

Қурилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари диққатига!

Давлат дастурларига киритилган объектларга
рухсат берувчи барча ҳужжатлар – лойиҳа олди
ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва
қурилиш ишларининг боришини назорат қилиш
бўйича мутлақо янги тизим ишлаб чиқилди.

Қурилиш вазирининг 2022 йил 6 ап-
релдаги 56-сонли қарорига асосан,
эндиликда мақсадли дастурларга ки-
ритилган объектларнинг лойиҳа ҳуж-
жатлари ишлаб чиқиши ва қурилиш
ишларининг боришини назорат қилиш
учун invest.mc.uz ҳаволасида “Мақса-
дли дастурлар мониторинги” электрон
тизими ишга туширилди.

Энди қурилиш соҳасидаги давлат
органлари ва иштирокчилар барча
дастурлар ижросини мониторинг қи-
лишда қоғоз кўринишидаги эскича ҳи-
сobotлардан тўлиқ воз кечадилар.

Барча дастурларга киритилган
объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини
ишлаб чиқиши ва қурилиш ишлари-
нинг бориши “Мақсадли дастурлар мо-
ниторинги” тизимида реал вақт режи-
мида олиб борилади.

Бунда Қурилиш вазирлигининг мақ-
садли дастурлар билан ишлаш бўлими
хотимлари ўзларининг кабинетлари
орқали давлат дастурларига киритил-
ган объектларнинг рўйхатини шаклан-
тиришади. Бунда ҳудудий қурилиш бош
бошқармалари объектнинг дастлабки
рухсат берувчи ҳужжатлари, қарор ёки
рухсатномани, архитектура режалашти-
риш ва архитектура шаҳарсозлик ке-
нгашининг баённомаси рақамини кири-
тишлари зарур бўлади.

Шунингдек, “Шаҳарсозлик ҳужжатла-
ри экспертизаси” ДУКнинг ҳудудий фили-
аллари объект лойиҳаси бўйича берил-
ган экспертиза ҳулосаларининг рақами
ва тавсия қилинган нарх ҳақидаги маъ-
лумотларни киритишлари керак.

Қолган жараёнлар мониторинги
тизими томонидан автоматик равишда

амалга оширилади. Яъни, объектга
тендер эълон қилинганлиги, ғолиб
аниқланганлиги, қурилиш ишларининг
бориши ва молиялаштириш ҳолати
ҳақидаги маълумотлар тизимлараро
ахборот алмашув воситасида аниқла-
нади ва тегишли ҳисobot шаклида ки-
ритиб борилади.

Шуни ёдда тутинг, энди қурилиш
соҳасидаги давлат органларининг фао-
лиятига ушбу тизимга маълумотларни

ўз вақтида киритиб бориш ҳолати бўй-
ича баҳо берилади.

Хар бир ҳужжатга маълум бир ре-
ламент белгиланган. Агарда, бу муддат
кечикса, тизимдаги огоҳлантириш чи-
роғи ёна бошлайди.

Шундай экан, ушбу жараёнда ҳар
бир жиҳатга эътиборли бўлиш ҳамда
ваколатли ташкилотлар томонидан ти-
зимга маълумотларни ўз вақтида кири-
тиб бориш талаб этилади.

КРМГ экспертлари иштирокида учрашув

Қурилиш вазирлиги ва
БМТ Тараққиёт дастури билан
ҳамкорликда халқаро аудиторлик-
консалтинг компанияси КРМГ
экспертлари иштирокида учрашув
бўлиб ўтди.

Унда Қурилиш вазирлиги тизимида
халқаро стандартлар асосида корруп-
цияга қарши курашиш, комплаенс назо-
рат тизимини босқичма-босқич жорий
этиш лойиҳаси доирасида КРМГ (Ита-
лия) халқаро аудиторлик компанияси
экспертлари томонидан ўтказилган
таҳлил натижалари эълон қилинди.
“Ўзбекистон Республикаси Қурилиш
вазирлигининг коррупцияга қарши ку-
рашиш тизими, унинг ҳозирги ҳолати”
мавзусидаги муҳокамада тақлиф
ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Томон-
ларнинг муносабатлари ўрганилди.

Йиғилишда БМТ Тараққиёт дасту-
ри, КРМГ халқаро аудиторлик ком-
панияси вакиллари ҳамда Қурилиш
вазирлигининг марказий аппарати
бошқарма ва бўлим бошликлари ишти-
рок этди. Учрашувда коррупцияга қар-

ши курашиш борасида вазирлик тизи-
мида олиб борилаётган ишлар ҳақида
сўз борди ҳамда мазкур йўналишда
эришилган ютуқ ва камчиликлар юза-
сидан фикрлар тингланди.

Шунингдек, вазирлик тизимида

коррупцияга қарши курашиш бораси-
да келгусида амалга оширилиши ло-
зим бўлган ишлар тўғрисида келишиб
олинди.

Ўз мухбиримиз.

“ШАФФОФ ҚУРИЛИШ” МИЛЛИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИ ҚУРУВЧИГА ҚАНДАЙ ЕНГИЛЛИК БЕРАДИ?

Райҳона ХҲАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугун барча соҳада бўлгани каби қурилиш
соҳасида ҳам анъанавий усуллардан чекинган
ҳолда турли платформа ва тизимлардан кенг
фойдаланилмоқда. Бу каби имкониятлар
қурилиш ташкилотлари учун катта
қулайлик яратиб, уларнинг вақтини тежаб,
оворагарчилигини олдини олишга хизмат
қиялпти. АОҚада бўлиб ўтган брифингда
“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими
ҳақида ОАВ вакиллари батафсил маълумот
берилди.

Қурилиш жараёнида аҳолига, тадбиркорлик
субъектларига, буюртмачи, лойиҳачи ва пудрат
ташкilotларига, умуман қурилиш жараёнлари-
нинг барча иштирокчиларига максимал даражада
қулайлик яратиш ҳамда бунда инсон омилини ка-

майитириш мақсадида “Шаффоф қурилиш” миллий
ахборот тизими ишга туширилганидан хабарингиз
бор.

Бу ахборот тизими соҳадаги давлат хизматлари-
ни тўлиқ рақамлаштириш, ҳужжатларнинг электрон
шаклда айланиши таъминлаш, инвестиция дасту-
ридаги қурилиш объектларининг ҳолатини реал
вақт режимида кузатиб бориш имконини яратиши
билан аҳамиятлидир. Қолаверса, бугунги кунда қу-
рилиш объектларида назорат жараёнлари автомат-
лаштирилиб, барча маълумотлар автоматик тарзда
шакллантириляпти. Ягона маълумотлар базаси
орқали идоралараро маълумот алмашинувига эри-
шилмоқда. Бу ўз-ўзидан соҳада ишбилармонлик муҳи-
тини шакллантириш, тизимли муаммоларни ҳал
этиш, қурилиш соҳасида коррупция ва бюрократик
тўсиқларни бартараф этиш ва энг муҳими, жамо-
атчилик учун шаффофлиқни таъминлаш имконини
яратади.

2-бет

СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Юртимизда бошқа тармоқлар қатори
қурилиш соҳасида ҳам сўнгги йилларда
истиқболли лойиҳалар қўлланилиб,
халқимизнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини
қондириш ҳамда ижтимоий объектларни
бунёд этиш ишлари кенгайиб, бу борада кескин
бурилишлар қилинмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда иншоотлар
қуриш тармоғини янада такомиллаштириш, қури-
лиш органлари ҳамда муассасалари ишини замон
талабларига мослаш механизмларини шаклланти-
риш, шунингдек, давлат бошқаруви тизими самара-
дорлигини таъминлаш, соҳага рақамли технология-
ларни жадал қўллаш бўйича изчил ислохотлар олиб
борилмоқда.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН: МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК, ДАВР СИНОВИДАН ЎТГАН ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

«**1**–БЕТ»

Етакчиларнинг мамлакатларимиз ўртасидаги абадий дўстликни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш бўйича тарихий қарори қўйилган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлади.

Таъкидланганидек, Тожикистон Президентининг дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўладиган жорий йилда ўтаётган ушбу ташрифи биродар халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари мустаҳкамлигининг ёрқин тасдиғидир.

Тожикистон Президентининг ташрифи доирасида Зарафшон дарёсида Яван гидроэлектр станцияси қурилишини бошлаш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Эмомали Раҳмон раъмзий тугтгани босиб, қўрилишга старт бердилар.

Ушбу ишшоот энергетика соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликда биринчи йиррик лойиҳа бўлади. 140 мегаватт қувватли замонавий станция мамлакатларимиз энергетик хавфсизлиги, сув ва қишлоқ ҳўжалиги барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Муҳандислик ишлари тўлиқ замонавий стандартлар асосида, илгор хорижий компаниялар иштирокида олиб борилмоқда.

Лойиҳани молиялаштиришга етакчи халқаро институтлар, шу жумладан, Осиё тараққиёт банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки қизиқиш билдирган.

Ушбу лойиҳа тармоқнинг илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш, минглаб хонадонлар ва янги корхоналарни “ашил” энергия билан таъминлашга хизмат қилади.

Олий даражадаги музокаралар якунида ҳужжатлари имзолаш ва алмашиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон тарихий аҳамиятга эга Абадий дўстликни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Бундан ташқари, ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар даражасида кўп қиррали Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 11 та ҳужжат имзоланди.

Жумладан: Саноат кооперацияси соҳасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича “йўл харитаси”;

– Маданият вазирликлари ўртасида 2022-2023 йилларга мўлжалланган мада-

ният ва санъат соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти ва Тожикистоннинг Сўғд вилояти ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”;

– Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сувдан оқилона фойдаланиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

– Илакчилик тармоғида ҳамкорлик тўғрисида меморандум.

Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президентлар музокаралар очиклик, ўзаро ишонч, англашув ва дўстона руҳда ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонни ва ушбу мамлакат делегацияси аъзоларини меҳмондўст Ўзбекистонга ташрифи билан қутлаб, Тожикистон бизнинг асрлар синовидан ўтган яқин қўшнимиз, содиқ дўстимиз ва ишончли стратегик шеригимиз эканини яна бир бор таъкидлади.

– Ўзбекистон халқи биродар тожик халқи билан тарих, маданий-маънавий мерос ва аждодларимизнинг эзгу анъаналари муштараклигига асосланган дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини қадрлайди. Ёруф кунларда ҳам, синовли давларда ҳам биз доимо елкама-елка турганмиз, бир-биримизни қўлаб-қувватлаганмиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз биргаликдаги сайёҳаракатлар билан икки томонлама муносабатларда ҳақиқатдан катта марраларга эришишга, уларни жуда юқори даражада кўтаришга муваффақ бўлиганини таъкидлади.

– Айнан шу туйфайли бугун чинакам тарихий аҳамиятга эга қарор қабул қилинди. Биз Абадий дўстлиқни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларацияни имзоладик, – деди Шавкат Мирзиёев.

– Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссасини Тожикистонда жуда қадрлашади. Жорий йил октябрь ойида Тожикистон ва Ўзбекистон дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўттиз йиллигини нишонлайдилар. Аҳамиятлиси, биз учун муҳим бўлган айнан шу йилда муносабатларимизни иттифоқчилик даражасига кўтариш бўйича тарихий қарор қабул қилдик, – деди Эмомали Раҳмон.

Раҳбар ишни муҳим лойиҳалардан бошлади

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,

“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 26 май куни ҳудудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил қилиш, уларни зарур инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида саноат зоналари қўламини янада кенгайтириш эвазига турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўпайтириш, жойларда ишсизликка барҳам бериш, ён-атрофдаги маҳаллаларни ободонлаштириш ҳамда иқтисодиётимизни янада мустаҳкамлаш борасида фикрлар билдирилди.

Бу борада пойтахт вилоятининг Бекобод шаҳрида ҳам катта тажриба орттирилган. Сирасини айтганда, мазкур шаҳар азалдан саноат соҳасини ривожлантиришга кенг ихтисослашган, унинг ён-атрофида табиий бойликлар захираси кўп бўлиб, бу эса қурилиш материаллари ва бошқа кўнлаб соҳаларда фаолият юритишга қулай шaroитлар яратиши бор гап. Янги тайинланган ҳоким Насрулла Бабаев ана шу имкониетлардан тўлақонли фойдаланиш мақсадида шаҳар инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилган Тараққиёт стратегиясининг 7 та устувор йўналишини ҳамда 100 та мақсадни ҳаётга изчил татбиқ қилиш юзасидан шаҳарни 2022 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар тақдимотини ўтказди. Улар жорий йил охирига қадар тўла қувват билан ишга туширилса, ҳудудда яна бир нечта саноат корхоналари ташкил этилиб, турар жойлар, ижтимоий объектлар қурилади, янги иш ўринлари яратилади, муҳими аҳолининг турмуш фаровонлиғи янада ошади.

Жумладан, умумий қиймати 56 миллиард сўмлик 25 та лойиҳани амалда татбиқ этиш билан ишлаб чиқариш қуввати 76 млрд сўмга тенг бўлган корхоналарда турли хилдаги аҳолибоп маҳсулотлар тайёрланади ҳамда улардан 1,9 млн долларга тенги хорижий давлатларга экспорт қилинади. Шу кунгача шаҳардаги имкониятлардан тўлалигича фойдаланилмагани ҳисобиға ўтган даврда бор-йўғи 16 та лойиҳа ишга туширилиб, 22 596 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган ва экспорт ҳажми ҳам шунга лойик бўлган. Азалдан саноат ишлаб чиқаришга кенг ихтисослашган шаҳарда янги имкониятлардан самарали фойдаланилса, ақин орада Бекобод шу соҳада нафакат вилоятда, балки республикада ҳам олдинги ўринлардан бирига чиқиб олиши турган гап. Шу йўналишдаги яна бир мисол. Қурилиш саноатини ривожлантириш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда уй-жойлар қуриш бўйича фаолият олиб борган корхоналар сони 2017 йилда 37 та эди, 2021 йилга келиб уларнинг сони 175 тага етган. Соҳани кенг қамраб олган янги лойиҳаларда асосий эътибор бунёдкорлик билан шугулланадиган корхоналар сонига эмас, балки улар

хавфсизлик ва барқарорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувларининг алоҳида аҳамиятини, халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида конструктив мулоқот ва ўзаро қўмакни давом эттириш зарурлигини қайд этдилар.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг тарихий ташрифи натижалари, ҳеч шубҳасиз, халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, ўзаро англашув ва яхши қўшничилик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишиға ишонч билдирди.

Шундан сўнг Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Технопаркка ташриф бурди.

Давлатимиз раҳбари томонидан асос солинган ушбу саноат мажмуасида умумий қиймати 365 миллион долларлик 17 та лойиҳа йўлга қўйилган. Бугунги кунда шундан 13 таси ишга тушган бўлиб, электрон газ ҳисоблагич, музлаттич, саноат кондиционерлари ва совутиш тизимлари, лифт ва эскалаторлар, сув насослари, эшик ва дераза ромлари учун аксессуарлар расмолқада.

Бу йил изоляция маҳсулотлари, сув иситиш ускуналари, ошхона техникаси корхоналари ҳамда логистика маркази ишга туширилади.

Тожикистонлик меҳмонларға Технопаркда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг афзалликлари ҳақида сўзлаб берилди.

Бу товарлар хорижий брендлар номида ва уларнинг назорати остида тайёрланиши боис хариддорғи. Сифат ва нарх мутаносиблиғи билан қўшни мамлакатлар бозоридан ҳам ўрин эгалламоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев икки давлатнинг турдош муассасалари раҳбарлиғига ўзаро ақндан ишлаб, қўшма лойиҳаларни амалға ошириш, саноат кооперацияси ва савдони кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг саноат салоҳияти, маҳсулотларнинг кенг ассортименти ва сифати меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

Зиёдилла ЖОНИБЕКОВ,

Абдулазиз МУСАЕВ

ЎзА мухбирлари.

СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

«**1**–БЕТ»

Ана шундай ишларни қарор топтириш орқали соҳани янги босқичға олиб чиқишда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ғи фармони дастуриламал бўляпти. Таъкидлаш керакки, мазкур ҳужжатда “Бизнес юритиш” халқаро индексида (Doing Business Index) “қурилишға рухсатномалар олиш” (Dealing with Construction Permits) йўналиши бўйича давлатимиз тутаетган ўрнини янада мустаҳкамлаш, геологик, табиий-иқлим, сейсмологик ҳамда бошқа кўплаб хусусиятларини инобатға олган ҳолда 2025 йилға бориб миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини халқаро норматив стандартлар билан уйғунлаштиришға эришиш, жумладан, 2025 йилға бориб юртимиздағи барча шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олиш бош мақсадға айланган.

Стратегияда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, унинг ижроси доирасида 2021 йилнинг 1 мартидан эътиборан икки қаватдан юқори, баландлиғи ер юзасидан 12 метрдан ҳамда умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва ишоотларни, шунингдек, якка тартибдағи уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш аввалдаи объектнинг лойиҳа ҳужжатлари мажбурий тарзда экспертизадан ўтказилган ҳамда объектнинг Қурилиш вазирлиғи ҳузуридағи Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан давлат қурилиш назорати ўрнатилган ҳолда амалға ошириш тартиби жорий қилинган.

Шу кунға қадар 123 та шаҳарсозлик ҳужжати жамоатчилик муҳокамасига киритилди ва улардан 109 таси муҳокамадан ўтди. Шулар баробарида аҳоли яшаш пунктларининг бош режа-

Ўз мухбиримиз.

“ШАФФОФ ҚУРИЛИШ” МИЛЛИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИ ҚУРУВЧИГА ҚАНДАЙ ЕНГИЛЛИК БЕРАДИ?

«**1**–БЕТ»

Қурилиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари бугунги кунда тўлиқ электрон шаклга ўтказилган. Бундан буён, объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсатнома олиш, архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини, хусусан, якка тартибдағи уй-жой қуришға ҳамда реконструкция қилишға лойиҳа-смета ҳужжатларни келишиш, бино ва ишоотнинг ташқи кўринишини ўзгартириш каби жараёнлар мазкур тизим орқали амалға оширилади.

Тизимнинг яна бир қўлайлиғи шундаки, эндиликда қурилиш экспертисани рақамлаштириш жараёни expertiza.mc.uz тизимига, яъни тўлиқ интерактив хизмат шаклиға ўтди. Бу жараёнлар авваллари қурилиш экспертизасини рақамлаштириш давлат хизматлари орқали амалға оширилар эди. Бугунги кунда бююртмачи ёки лойиҳачи масофадан туриб, ҳужжатларни экспертизаға жўнатиши мумкин. Бунда, тизим аниқланган барча камчиликлар, киритилган ўзгартришлар, лойиҳа ҳужжатлари ва экспертиза хулосаларини ягона базада сақйлади.

Шунингдек, соҳадағи яна бир янгилик бу – қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларида давлат харидлари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш мақсадида “Қурилиш соҳасида тендер савдоларини ташкил этиш” платформасининг ишға туширилгани бўлди. Айни пайтда tender.mc.uz сайти орқали мазкур жараёнларни амалға ошириш мумкин бўлади. Илгари тендер жараёнлари асосан, комиссия қарори билан, яъни инсон омили иштирокида амалға оширилган бўлса, жорий йилдан бошлаб бу амалиётға тўлиқ чек қўйилди. Хусусан, бугунги кунда тендер жараёнлари ҳам онлайн тарзда автоматик усулда ўтмоқда. Тендер савдоларидағи рақобат асосан пудрат ташкилотларининг салоҳияти, иш тажрибаси, малакаси, моддий-техник ва молиявий имкониетлари каби кўрсаткичларига асосланган. Мазкур кўрсаткичлар пудрат ташкилотларининг рейтингидан олинади.

Энди лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолияти самарадорлиғи-

ни ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, қурилиш ишлари сифатини яхшилаш мақсадида қурилиш пудрат ташкилотлар рейтингни rating.mc.uz ахборот тизими ишға туширилди. Мазкур рейтинг тизими ўтган йилдан бошлаб, ишға туширилган бўлсада, жорий йилда Ҳукумат қарори рейтинг кўрсаткичлари янгиланди ҳамда оптималлаштирилди.

Йилнинг ўтган даври мобайнида рейтинг юритиш ва тендерларни ташкил этиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, бююртмачи, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларнинг тақлифлари ва ташаббуслари асосида мазкур тизимни янада такомиллаштириш ва барча учун бирдек қулай қилиш кўзда тутилмоқда. Хусусан, рейтинг ва тендер тизимларига айрим ўзгартришлар киритиш, бу борадағи баъзи кўрсаткичлар ва талабларни қайта кўриб чиқиш кўзда тутилляпти. Бу борада Қурилиш вазирлиғи томонидан теғишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда тақлифлар ишлаб чиқилиб, Ҳукуматға киритиш учун тайёрланмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, эндиликда давлат дастурлариға тушган объектларнинг лойиҳа олди ҳужжатларини тайёрлаш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тендерларни ўтказиш ва қурилиш ишларининг боришини назорат қилиш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилди. Мақсадли дастурларға киритилган объектлар бўйича ишларни кузатиб бориш ва назорат қилиш учун invest.mc.uz ҳаволасида “Мақсадли дастурлар мониторинги” электрон тизими ишға туширилди.

Бугунги кунда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялашган бўлиб, бу ўз навбатида, тизимдағи маълумотларнинг аниқ ресурслар асосида шаклланиши ва шаффобликни таъминлашға хизмат қилляпти. Келгусида истиқболли режалар кўп. Яъни, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимини йил якуниға қадар “Қурилиш материаллари миллий классификатори” электрон платформаси, “Қурилишда фойдаланиладиган техникаларни ижараға бериш” маълумотлар базаси ҳамда “Пудрат ташкилотлари кластери” маълумотлар базаси билан бойитиш мақсад қилинган.

Наманган вилояти

Саноат ярмаркаси

Ўтказилди

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Наманганда ўтказилган ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаси вилоятда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда маҳаллийлаштириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг намоёйишига айланди.

Унда 300 дан кўпроқ ҳўжалик юри-тувчи субъектлар қатнашиб, мингдан ортиқ турдаги маҳсулот намоёйиш этилди. Қурилиш материаллари, енгил саноат, чарм-поябзал, озиқ-овқат ва

мебелсозлик маҳсулотлари кўпчилик-да катта қизиқиш уйғотди. Корхона-лар ўртасида кооперация алоқала-рини янада мустаҳкамлаш юзасидан қатор шартномалар тузилди.

Янги тўқимачилик

кластери

Наманган шаҳридаги “Ифтихор кийим саноат” МЧЖнинг ишлаб чиқариш салоҳияти тобора юксалиб бораётир. Корхонада тайёрланаётган кийим-кечакларга жаҳон бозорига ҳам талаб юқори.

Корхона яқинда Тўрақўргон туманада яна бир истиқболли лойиҳани амалга оширишга киришди. У пахта хом ашёсини етиштириш, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган технологик жараён-ларни ўз ичига олади.

Чортоқдаги

замонавий уйлар

Тумanning “Дўстлик” маҳалласида ҳар бири 20 хонадондан иборат 12 та намунавий лойиҳадаги кўп қаватли арзон турар жой қад ростлади.

“Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК буюртмаси асосида қурилган хонадон-лар сони 240 та бўлиб, уларнинг 180 таси 2, 60 таси 3 хоналидир. Болалар май-дончалари ва бошқа иншоотлар шаҳарчани янада кўркем бўлишини таъмин-лаган.

Ҳоким ёрдамчиларига – планшетлар

Наманган туманида ҳоким ёрдамчиларига планшетлар топширилди.

Эндиликда улар тезкор ахборот алмашиш, муурожаатларни онлайн тарзда қабул қилиш ва фуқароларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш имкониятига эга бўлди.

Ҳамкорлик – таълим сифатини оширади

Наманган муҳандислик-қурилиш институти жамоаси мамлакатимиз иктисодиётининг турли тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Бунда таълим самарадорлигини ошириш масаласи диққат марказда турибди. Хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш мазкур йўналишнинг асосий бўғинларидан ҳисобланади.

– Кейинги пайтда профессор-ўқи-тувчилар ва илмий ходимларимиз чет элга бориб, тажриба ўрганишни йўлга қўйишмоқда, – деди институти ректори Шарифбой Эргашев. – Ўз навбатида, хорижликлар ҳам Наманганга ташриф буюришяпти. Қатор мавзуларда бир-галикда илмий ишлар ҳам олиб борил-моқда.

Масалан, яқинда институт билан Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатидаги Субхарти университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжат профес-сор-ўқитувчилар ва талабалар алма-шинуви, ўқув дастурлари борасида ҳамкорлик, илмий-тадқиқот ишлари-ни биргаликда юритиш каби кўплаб масалаларни қамраб олади. Унда меморандум бажарилишини назорат қилиб борувчи массуллар ҳам белги-ланди. Ҳужжат Ҳиндистонга ташриф билан борган Наманган муҳандис-лик-қурилиш институти проректори Ф. Қораев ва Субхарти университети вице-президенти Г. К. Таплиял томо-нидан имзоланди.

Утган ойда Наманганда Ҳинди-стон билан боғлиқ бошқа бир воқеа ҳам юз берди. Институтда мазкур

мамлакатнинг ўқув хонаси ташкил этилди. Унинг очилиш маросимига Ўзбекистондаги Ҳиндистон элчихона-сининг маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси, профессор Чандр Шек-хар ва иккинчи котиб Ситеш Кумар ташриф буюришди. Улар ўзаро ҳам-корликнинг ривожи олий таълим та-раққиётига хизмат қилишини айтиб ўтишди. Ўқув хонасида Ҳиндистон тарихи, маданияти, улугъ сиймолари ва урф-одатлари акс этган қўлланма, адабиётлар, фотоиллюстрациялар, энг сўнгги русумдаги техник анжом-лар ўрин олган.

Институт Бауман номидаги Москва давлат техника университети билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйди. Яқин-да наманганлик устозлардан бир гу-руҳи мазкур илм даргоҳи фаолияти билан танишди. Уларнинг москвалик ҳамкасблари билан мулоқотлари қи-зикарли ва самарали кечди.

НамМҚИ умумтехник фанлари ка-федраси мудири Дилшод Абдуваҳобов эса айни пайтда Томск давлат уни-верситетида амалиётда бўлиб, сафар давомида университетнинг Халқаро алоқалар бўлими бошлиги ўринбо-сари Анна Тихонова билан учрашди. Мулоқотда турдош кафедралар билан ҳамкорликда доирасида мутахассислар-ни машғулотлар олиб бориш учун жалб қилиш, онлайн тартибда машғулотлар ўтказиш, вебинарлар ташкил этиш, на-мунавий мавзулар асосида магистр-лик ва докторлик диссертациялари, давлат илмий-техник дастурлари дои-расида бажариладиган фундаментал, инновацион лойиҳаларнинг мавзула-рини шакллантириш борасида ўзаро суҳбат олиб борилди. Бундай фойдали алоқалар барчага манфаат келтиради, албатта.

Қорақалпоғистон Республикаси

Андижонликлар кутубхона қуриб беришди

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
журналист.

Яқинда Кегайли туманидаги “Халқобод” МФЙ ҳудудида Андижон вилояти ҳокимлигининг ташаббуси билан Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги кутубхона маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Замонавий билим масканида барча турдаги китоблар жамланган. Жами 8 мингдан зиёд турли мавзудаги китоблар маҳалла аҳлининг маънавиятини яна-да оширишга хизмат қилади.

Жиззах вилояти

Зоминнинг қиёфаси тубдан ўзгаряпти

Фозилжон ҚОСИМОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Зомин – Жиззах вилоятининг ташқи қиёфаси тубдан ўзгариб бораётган туманларидан бири. Бу ерда кейинги йилларда 5 қаватли кўп арзон турар жой бинолар қурилиши, замонавий архитектура асосида ишлаб чиқилган лойиҳага биноан бунёд этилаётган тарих ва маданият музейи каби кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Тумanning Гофур Гулом номидаги МФЙ ҳудудида эса 2 қаватли бирлашти-рилган 4 сотихли, 4 хонадан иборат на-мунали 69 та турар жойлар қад рост-лаяпти. Ҳозирда ҳар бири 128 квадрат метрли хонадонларда ички ва ташқи пардозлаш ишлари олиб борилаяпти. Шунингдек, кўчанинг икки томонида пидедалар ва велосипед ҳаракати учун махсус йўлақлар қурилган. Мазкур ҳу-дудда автомобиллар ҳаракати давоми-да тирбандликлар юзага келмаслиги учун икки томонлама ички йўллар қу-рилиши ҳам давом этмоқда.

Туман марказида қад ростлаган за-монавий қиёфадаги ёшлар технопарки-нинг лойиҳа қўймати 18,5 млрд сўмни ташкил қилади. Ёшлар келажагимиз жамғармаси маблаглари ҳисобидан, “Аскар” қурилиш ташкилоти бунёд эта-ётган ушбу йирик мажмуада 60 фойз ишлар бажарилган. 5 та бинодан ибо-



рат мажмуа умумий 1,5 гектар майдон-ни эгаллайди. Асосий бинога ёндош уч қаватли бинонинг биринчи қаватида савдо дўконлари фаолият кўрсатиши режалаштирилган. Иккинчи қаватда эса маҳаллий аҳоли ва меҳмонлар учун юқоридан томоша қилиш ва марказий ўйингоҳдаги футбол беллашувларини кузатиш имкониятини берадиган resto-ран ташкил қилинади. Мазкур лойиҳа фойдаланишга топширилгач, ёш тад-биркорлар учун янги лойиҳаларни ишга туширишда имкониятлар яратилади. Бир сўз билан айтганда, бу мажмуа ёшларнинг илғор ғоялари ва ташаб-бусларини амалга ошириш имконини берадиган маскан бўлади.

Маҳаллий ва хорижий сайёҳларни

Бухоро вилояти

Маҳалланинг

ўз кутубхонаси бор

Зухриддин АҲАДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ёшларни китобхонликка жалб қилиш мақсадида Қоровулбозор туманининг “Қарқоқ” маҳалласида янги кутубхона фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимида сектор раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар бу каби кутубхона-ларнинг очилиши ёшлар маънавияти-ни ривожлантириш ва китобга бўлган меҳрларини оши-ришга хизмат қи-лишини алоҳида таъкидлашди. Таш-кил этилган ушбу муъжазгина кутуб-хонада 2 минг 800 дан ортқ китоблар жамланган.

– Ушбу кутуб-хона Юртбошимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида ташкил этилди. Бу кутубхона аҳолига ва ёшларга бир қатор енгиллик яратди. Улар ўзларига керакли китобларни узоқдан қидириб юриш-майди, – деди маҳалла ёшлар етакчиси Жуманазар Ибрагимов.



Бухороликлар

Хўжайли туманида

Шу кунларда бухоролик турли соҳа мутахассислари Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманига бориб, белгиланган вазифаларни жадаллаштириш бўйича зарур тадбирларни белгилаб олишди. Жумладан, “Кун нури” МФЙ ҳудудида 36 та якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, мутасаддилар қурилиш лойиҳасини кўриб чиқишди ва бунёдкорлик ишларини бошлаб юборилди.

Шунингдек, туманда “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари” АЖ-нинг 3 та бригадасидан йигирма-га яқин мутахассислар ҳам ишла-моқда. Шу билан бир қаторда, ҳудудда 263 дона таянч устуни қурилиб, реконструкция қилин-ди. Кун нури ва Жан Қўнғирот маҳаллалари истеъмолчиларига

қўшимча 250 кВА кучланишли трансформатор пунктлари қуриб берилди.

Умуман, туманда электр узат-иш тармоғини 24,3 минг метрга етказиш, 4 та маҳаллада қўшим-ча янги трансформатор пунктла-рини қуриш, 7 та трансформатор пунктини мукаммал таъмирдан чиқариш, 310 та таянч устунини янгилаш каби ишлар бажарили-ши режага киритилган. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги томо-нидан туманда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланти-риш мақсадида контейнерларда савдо-шоҳобчалари фаолияти йўлга қўйилди.

Бухоро вилояти ҳамда Хўжай-ли тумани ҳокимлиги ҳамкорли-гида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларидан 10 на-фарининг суннат ва 20 та оила фарзандларининг никоҳ тўйи ма-росимлари ташкиллаштирилди.

Тиббиёт маркази

таъмирдан чиқарилди

Амударё туманидаги Тўлқин овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган тиббиёт бўлими ҳокимлик саъй-ҳаракати билан қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди ва зарур жиҳозлар билан тўлдирилди.

Айни пайтда ушбу масканда 3 нафар олий маълумотли ва 12 на-фар ҳамширалар фаолият юритмоқда. Овул фуқаролари яратилган бундай қўлайликлардан чексиз миннатдор.

ҲУДУДЛАР

3

Навоий вилояти

Шарқий вилоят

ҲУДУДЛАР
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ҳудудларда инфратузилмани яна-да яхшилаш, янги лойиҳаларни ишга туширишга ҳам алоҳида эътибор бе-рилмоқда. Бунга “Дубоа” ҚФЙдаги “Қишлоқ туризми” лойиҳасини мисол қилиш мумкин. Бугун мазкур ҳудудда коммуникация тармоқларини барпо этиш, йўл-транспорт инфратузилмаси-ни яхшилаш борасида ишлар олиб бо-рилмоқда. Қурилишга масъулларнинг маълум қилишларича, уйлар атрофида сайёҳларнинг пидеа сайр қилишлари учун махсус йўлақлар ҳам қурилиши режалаштирилган.

Ушбу лойиҳаларни амалга оши-ришдан кўзланган мақсад, энг аввало, ҳудудда туризмни мавсумийликдан доимийликка чиқариш, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун етарлича ша-роитларни яратиб, худуд иқтисодиё-тини ривожлантиришдир. Дарвоқе, Зо-минда “Суффа платоси-2400” халқаро умуммавсумий курорти ва “Ўрикли-сой” туризм мажмуасини ташкил этиш ишлари ҳам давом этмоқда. Бу ҳудуд-ларда тақдим этилган лойиҳа асосида туризм шаҳарчаси, ёғи ва қишки спорт мажмуаси, тиббиёт марказидан иборат йирик туристик комплекс барпо эти-лади. Натжижада бир пайтда 3 000 дан ортиқ дам олувчини қабул қилиш имко-нияти ҳамда 1 000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Қашқадарё вилояти

Халқаро аэропорт замонавий кўриниш касб этади

Шухрат НОРМУРОДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Вилоят марказидаги Қарши халқаро аэропорти янада чирой очиши кутилмоқда.

Ҳозирда аэровокзал қисми-да бунёдкорлик ишлари олиб борилаяпти ва ташриф буюрувчи-лар учун мўлжалланган заллар кенгайтирилиб, ҳар бирида соа-тига 200 нафар ўрнига 400 нафар йўловчини қабул қилиш имкония-ти яратилган. Айни пайтда эса аэ-ровокзал комплексининг фасад қисмида реконструкция ишлари бажарилмоқда.



“Менинг йўлим”

лойиҳаси голиблари

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан жорий йилдан бошлаб туман (шаҳар) бюджети параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фойзи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида йўналтирилиши қатъий белгилаб қўйилди. Бунда, жамоатчилик фикри (таклифлар) порталдаги “Менинг йўлим” лойиҳаси асосида “қабул қилиш” ва “овоз бериш” босқичларидан кетма-кетлик билан ўтган голиб таклифлар аниқланади.

Бир йилда бир маротаба ўтказиладиган лойиҳанинг дастлабкисида қашқадарёлик-

Навоий вилояти

Шаҳарда бунёдкорлик ишлари авжида

Ҳилола ИСМАТОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Навоий шаҳрида янги ташкил этилган Гулистон-3 массивида бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Қисқа вақтда қад ростлаган иншоотлар, равон йўллар, кўп қаватли турар жой бинолари, ижтимоий соҳа объектлари замонавий кўриниши билан кўзни қувнатади. Шунингдек, массивда қурилиш ишлари давом этаётган иншоотлар кўп.

Янгидан қад ростлаётган оилавий поликлиника, туғруқхона комплекси, тиббиёт бирлашмасига қарашли даволаш бўлими-да қурилиш ишлари қизгин бормоқда. Хо-рижий тиббиёт муассасаларининг илғор тажрибаси, шифокор ва беморлар учун барча шароитларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган Даволаш бўлимининг лойиҳа қўймати 26 млрд сўмни ташкил этади. Янги бино тўрт қаватдан иборат бўлиб, бунёдкор-лик ишлари халқаро стандартлар асосида олиб борилаяпти. “MINOR MILLENIUM” МЧЖ муҳандиси Камол Ўралов қурилиш жараён-ларини бошқариб бормоқда.

– Қурилишда хатога йўл қўйиб бўлмай-

кафе ва ресторанлар, ахборот маркази, савдо дўконлари каби 25 та турли йўна-лишда хизмат кўрсатишга ихтисослаш-ган бинолар қад ростлайди.

Худудларда инфратузилмани яна-да яхшилаш, янги лойиҳаларни ишга туширишга ҳам алоҳида эътибор бе-рилмоқда. Бунга “Дубоа” ҚФЙдаги “Қишлоқ туризми” лойиҳасини мисол қилиш мумкин. Бугун мазкур ҳудудда коммуникация тармоқларини барпо этиш, йўл-транспорт инфратузилмаси-ни яхшилаш борасида ишлар олиб бо-рилмоқда. Қурилишга масъулларнинг маълум қилишларича, уйлар атрофида сайёҳларнинг пидеа сайр қилишлари учун махсус йўлақлар ҳам қурилиши режалаштирилган.

Ушбу лойиҳаларни амалга оши-ришдан кўзланган мақсад, энг аввало, ҳудудда туризмни мавсумийликдан доимийликка чиқариш, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун етарлича ша-роитларни яратиб, худуд иқтисодиё-тини ривожлантиришдир. Дарвоқе, Зо-минда “Суффа платоси-2400” халқаро умуммавсумий курорти ва “Ўрикли-сой” туризм мажмуасини ташкил этиш ишлари ҳам давом этмоқда. Бу ҳудуд-ларда тақдим этилган лойиҳа асосида туризм шаҳарчаси, ёғи ва қишки спорт мажмуаси, тиббиёт марказидан иборат йирик туристик комплекс барпо эти-лади. Натжижада бир пайтда 3 000 дан ортиқ дам олувчини қабул қилиш имко-нияти ҳамда 1 000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

ПСКОМ ДАРЁСИ – тўлқинларга яширинган энергия

Ислом ИБОДУЛЛА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг энг серсув худуди ҳисобланади. Тоғ ён-бағирларидаги қорли ўнгурлардан сизган сув сой ва жилғалар қўрилишида асов наҳрларни ҳосил қилади. Ўстонлиқ туманидан ўтувчи Пском дарёси нафақат серунумлиги, балки тўлқинларида яширинган қуввати билан ҳам аҳамиятлидир. Ҳозирги кунда унинг ирмоқлари жилвояниб, йирик гидроэлектр станцияси қуриш ишлари давом этмоқда.

Гидроэлектр станциясининг лойиҳа-си миллий гидроэнергетика соҳасида йирик мегалардан биридир. Мураккаб лойиҳа ишлари “Ўзбекгидроэнерго” АЖ раҳбарияти ташаббуси билан ангина ёндашув ва концепция асосида илғор замонавий технологиялар кумагида амалга ошириляпти. Хусусан, қурилиш ишлари “Гидропроект” АЖ томонидан ишлаб чиқилган техник топириққа асосан маҳаллий ва хорижий корхона-ларнинг мутахассислари томонидан белгиланган меёёрларга кўра олиб борилмоқда. Реконструкция жараёна-лари станцияни қуриш бўйича ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаси доира-сида қабул қилинган техник ечимлар Германиянинг “Tractebel Engineering GmbH” халқаро инжиниринг компания-си берган хулосалар асосида амалга ошириляпти.

Шу пайтага қадар биринчи босқи-

чида амалга оширилиши белгиланган гидротехника иншоотлари, ерости сув ўтказувчи туннеллар, ГЭС биноси ва 222 километр узунлиқдаги электр энергиясини узатиш тармоқлари ҳамда инфратузилма объектларини қуриш ишлари тугатилди. Жумла-дан, биринчи ярус сув қабул қилиш иншооти, 1288 метр узунлиқдаги сув ўтказувчи ерости туннели, 1-2-агре-гатларга сув олиб келувчи 285 метр ерости туннели ва 2 дона сув ўтказув-чи затворларни бошқариш, дарёга сув ташлаш иншоотлари билан ишчи-му-тахассислар учун икки қаватдан ибор-рат 80 ўринли ётоқхона, 10 та коттеж реконструкциялари битказилди.

Утган йил охиrhoғида Пском дарё-сида “Тўғоннинг юқори сув тўсиш ин-шооти” қурилишини бошлаш учун дарё оқими беркитилиб, “биринчи ярус сув қабул қилиш иншооти” орқали яна дарёга йўналтирилди. Лойиҳа доира-сида тўғон узунлиги 200 метрли қар-иш 61,5 метр баландликка эга бўлган “Тўғоннинг юқори сув тўсиш иншооти” қурилиши натижасида Пском сув омбо-рининг бирламчи босқичига сув йиғиш имконияти туғилди. Мазкур иншоот-нинг темир-бетон ва тош оралиғидаги бўшлиқлари темир-бетон таянч тўсиқ ёрдамида кўтарилиб, махсус цементли қоришма билан тўлдирилди.

– Ҳозирда “Пском ГЭС”да қу-рилиш ишлари давом этмоқда, – деди “Гидропроект” АЖ матбуот котиби Му-род Носиров. – ГЭС 2026 йилда тўлиқ фойдаланишга топирилади ва йи-лига 946 млн кВт соат электр энергия ишлаб чиқарилади. Ушбу объект ноёб



ва мураккаб лойиҳа ҳисобланади. Ҳу-сусан, геологик қидирув ишларининг ўзига 2,5-3 йил сарфланди. Чорвоқ сув омборининг тўғони 167 метр, Тўпаланг станциясининг тўғони 187 метр, Пском сув омбори тўғони эса 200 метр бўла-ди. Бу жаҳоннинг энг йирик тўғонлари ўнталиғига киради, дегани. Бу жойдан олинадиган сув 468,9 млн метр кубни ташкил этади. Лойиҳа доирасида 799,6 миллион долларга тенг инвестиция ў-лаштирилиши кўзда тутилган.

Мазкур сув иншооти реконструкция-сида республикаимиздаги гидротехника иншоотлари қурилиши тарихида би-ринчи мартаба хавфсизлик нуктаи назаридан юқори чидамлиликка эга, ривожланган давлатларда кенг қўлла-ниб келинаётган филтрация сувларига қарши синтетик махсулотлардан фой-даланилмоқда. Жумладан, юқори сиф-фат даражасига соҳиб бўлган Италия-нинг “КАРПИ” (CARPI) компаниясида ишлаб чиқарилган геокмпозит гидро-изоляция материали бунёдкорлик жа-раёнида асқатяпти. У юқори сув тўсиш иншоотидаги филтрация жараёнлари-нинг олдини олади. Ҳозирда тўғоннинг маълум қисмида геокмпозит гидро-изоляция материалини қоплаш ишлари тўлиқ якунланди.

УЙ–ЖОЙНИНГ “СНОС”ГА ТУШГАН ЁКИ ТУШМАГАНИНИ ЎРГАНАМИЗ

Уй-жойнинг “снос”га тушганини қандай билиш мумкин? Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ кўчмас мулк бузилишга тушган ёки тушмагани тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланган.

Ушбу Регламент юридик ва жисмоний шахсларнинг республика миқё-сида нотулар бино ва иншооти ҳамда турар жойларни бузилишга тушгани ёки тушмагани ҳақида маълумотнома бериш тартибини белгилайди. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Қури-лиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси маъ-лумотномани тақдим этувчи ваколат-ли орган ҳисобланади.

Ариза берувчи маълумотнома олиш учун Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этади ёки ЯИДХП давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади. Маълумотнома олиш учун аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин. Мазкур ҳаракатлар Давлат хизматла-ри марказлари ва ваколатли органлар ўртасида фақат электрон тарзда амал-га оширилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдорида йғимн ундирилади. Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда йғимн суммасининг 90 фоизи ундири-лади.

Йғимлар суммаси қуйидаги тар-тибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказлари-га келиб мурожаат этганда:

20 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожланти-риш жамғармасининг шахсий ҳисоб-варағига ўтказилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республи-каси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги

Қурилиш соҳасида ахборот-коммуни-кация технологияларини ривожлан-тириш марказининг шахсий ҳисобва-рағига ўтказилади;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда ваколатли органнинг ҳисобварағига ўтказилади.

б) ЯИДХП орқали мурожаат этил-ганда:

10 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожланти-риш жамғармасининг шахсий ҳисоб-варағига ўтказилади;

11,25 фоизи – Ахборот-коммуни-кация технологияларини ривожлан-тириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молия-лаштириш бўйича махсус ҳисобва-рағига ўтказилади;

10 фоизи – Ўзбекистон Республи-каси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ахборот-коммуни-кация технологияларини ривожлан-тириш марказининг шахсий ҳисобва-рағига ўтказилади.

Шунингдек, ариза берувчи Давлат хизматлари марказларига келиб му-рожаат этганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари марказлари ходи-ми томонидан тўлдирилиб, ариза бе-рувчи томонидан тасдиқланганидан сўнг сўровнома реал вақт режимида ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қи-линганд эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юбори-лади. Ваколатли орган сўровнома тушган ва тўлов амалга оширилган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайни-да сўровномада кўрсатилган объект-нинг кадастр рақами орқали Кадастр агентлигининг ахборот тизими билан интеграция қилинган Қурилиш вазир-лигининг “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимига кириб реал вақт режимида кўчмас мулк объектнинг жойлашган жойини аниқлайди ва объект бузилишга тушган ёки тушма-ганлигини ўрганади. Давлат хизмат-лари марказлари ариза берувчига унинг мурожаат шаклига кўра элект-рон ёки қоғоз кўринишида жавоб қайтаради.

Ўз мухбиримиз.



Янги меҳмонхона очилди

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сайёҳларни жалб этишда эса қулай ша-роитга эга меҳмонхоналар фаолият олиб бо-риши муҳим ўрин тутади. Бу борада Қарши шаҳрида қурилган замонавий янги меҳмонхо-

на – “Оқсарой” фойдаланишга топирилиши сайёҳлар оқимини оширишда аҳамиятлидир.

Тадбиркор Отабек Мўминов томонидан ўз маблағи эвазига қурилган меҳмонхона 70 ўринга мўлжалланган бўлиб, унинг таркибида шинам конференция зали, ресторан, сауна ва бассейн ҳам мавжуд. Бу ерда 20 та иш ўрни яратилиб, дафтарларга киритилган, меҳмон-хона хизмати йўналишида касб-хунарга ўқиб чиққан хотин-қизлар ва ёшлар иш билан таъ-минланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июлдаги “Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида “Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-427-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июлдаги “Аҳолини уй-жой билан таъминлаш, шаҳарлар ва қишлоқ жойларда қўшимча уй-жойлар қурилишини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-428-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида:

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ” МЧЖ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармасининг қарз маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Байтқўрғон” массивида 2019 йил дастурига қўшимча равишда қурилган уй-жой объектларида оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан

ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

№ КФР- 2021-23

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2022 йил 3 июнь.

1. Ўзбекистон Республикаси ва Қувайт араб иқтисодий та-раққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда ҚАЙТЖ) ўртасида имзоланган 1024-сонли Қарз келишувига асосан “Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзаси-дан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ри-вожлантириш (2-босқич)” лойиҳасини амалга ошириш бўйича ва қарз маблағларидан фойдаланиш мақсадида, Лойиҳа доирасида Тошкент вилояти Қибрай тумани, “Байтқўрғон” массивида оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш бўйича тендер савдо-лари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низом ва ҚАЙТЖ харидлар бўйича тартиб-қоидалари ва тамойилларига мувофиқ ўтказилади. “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК (“Бюрт-мачи”) ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қуйида келтирилган Лот бўйича оқова сув (канализация) тар-моқлари қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

Қурилиш муддати – 4 (тўрт) ойни ташкил этади.

А) Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Байтқўрғон” массивида 1,951 км оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш (**қурилиш муддати** – 4 (тўрт) ойни ташкил этади).

2. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низом ва ҚАЙТЖ харидлар бўйича тартиб-қоидала-ри ва тамойилларига мувофиқ ўтказилади ҳамда юқорида кўрсат-иб ўтилган қўлланмага асосан, янги тартибга мувофиқ рейтинг тизимиغا кирган “СС” ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўл-ган барча иштирокчилар учун очик.

3. Янги тартибга мувофиқ оқова сув (канализация) тармоқла-рини қурилишида рейтинг тизимига кирган “СС” ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган қурилиш ташкилотлари тендер сав-доларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари-ни ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказига қуйида кўрсатил-ган манзил бўйича иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача му-рожаат қилишлари мумкин:

Тошкент вилояти
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18. Телефон: 71-241-15-37. Факс: 71-241-15-26.

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер ишти-рокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бў-йича ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилишлари мумкин:

“_____вилояти, _____тумани, _____ массивидаги, _____ лот _____ та _____ км оқова сув (канализация) тармоқла-ри қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини бери-шингизни сўрайман.”

Тендер ҳужжатларини эълон берилган санадан бошлаб “СС” ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган барча иштирокчилар томонидан, рус тилида тузилган тендер ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини олишлари мумкин. Кейинчалик қайтариб берилмай-диган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда тан-лов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказининг тегишли бўлимлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи кейинчалик қайтариб берилмайдиган 1 БХМ (базавий ҳисоблаш миқдори)га тенг.

Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:

Тошкент вилояти
Банк: АТБ “ASIA ALLIANCE BANK” Ў/р: 2021 0000 5045 4602 7001 СТИР 300 017 720 МФО 01102

6. Барча таклифлар танлов савдолари эълон қилинган сана-дан бошлаб (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача) 3-бандда кўрсатилган манзил бўйича танлов савдолари ташки-лотчисига тақдим этилиши лозим. Таклифлар қуйидаги жадвал-да (**жадвалга қаранг**) кўрсатиб ўтилган муддатдан олдин вилоят Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консал-тинг маркази томонидан қабул қилинади. **Жадвалда кўрсатиб ўтилган муддатдан кеч тақдим қилинган таклифлар қабул қи-линмайди.** Тендер таклифларини топшириш муддати миллий бай-рамга тўғри келса, таклиф топшириш муддати кейинги иш кунига узайтирилади.

7. Тендер таклифини таъминлаш тўғрисидаги **декларация** таклифларга илова қилиниши керак. Тендер таклифларининг очилиши тендерда иштирок этувчи ташкилотларнинг вакиллари иштирокида қуйидаги жадвал бўйича тендер таклифлари тақдим этилишининг охириги куниде бўлиб ўтади.

Таклифлар қуйидаги манзилда очилади:

Тошкент вилояти ҳокимияти
Манзил: Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй. Тел.: 71- 232-80-12.

8. Белгиланган муддатдан кечикиб топширилган тендер таклифлари рад этилади ва тендер комиссияси томонидан қўриб чиқилмайди.

ТАКЛИФ № КФР-2021-23

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июлдаги “Аҳолини уй-жой билан таъминлаш, шаҳарлар ва қишлоқ жойларда қўшимча уй-жойлар қурилишини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-428-сонли қарори ижроси юзасидан 2019 йил дастурига қўшимча равишда қурилган уй-жой объектларида Қувайт араб иқтисодий тараққиёти жамғармаси иштирокида “Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қишлоқ жойларда муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси доирасида оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш бўйича

ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН					
Лот №	Туман номи	Массив номи	Оқова сув тармоғи (канализация) узунлиги (км)	Қурилиш муддати	Таклифларни топширишнинг охириги муддати
Тошкент вилояти			1,951 км		
КФР-205	Қибрай	Байтқўрғон	1,951	4 ой (тўрт ой)	2022 йил 4 июль, соат 11.00

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар қўшимча маълумотлар олиш учун “Қишлоқ қури-лиш инвест” МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН ТАШКИЛОТЛАР ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ҚУЙИДАГИ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШЛАРИ ЛОЗИМ:

Тошкент вилояти	КФР-205	2 105,0	351,0	1 122,0	3	4000	300	1000	3000
Худуд номи	Лот №	Талаб этилган йиллик ўртача айланма маблағ (млн сўм)	Талаб этилган молиявий ресурс миқдори (млн сўм)	Қурилиш малакаси ўқшаш ҳажми ва характердаги 1 шартнома (млн сўм)	Умумий иш малакаси (йил)	Бажарган ер ишлари ҳажми (м²)	Бажарган бетон ишлари ҳажми (м³)	Охириги 3 (уч) йил давомида бир шартнома бўйича диаметри 160 дан 200 мм гача бўлган металл бўлмаган қувурлардан канализация тармоқларини тортиш ишларини якунлаш	умумий узунлиги _ п. м. дан ортиқ
Тошкент вилояти	КФР-205	2 105,0	351,0	1 122,0	3	4000	300	1000	3000

“НИШОН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Нишон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2021 йил якуни бўйича йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 24 июнь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 15.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, “Ёшлар диёри”да жойлашган “Нишон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 13.30 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.nishonpaxta.uz

Кун тартибидаги масалалар:

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 58-моддасида акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилиши белгиланган. Шу муносабат билан, жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун жамият ижроия органи томонидан Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари-да белгиланган барча талаблар бажарилган ва тегишли эълонлар берилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 75-моддасига мувофиқ жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш киритилган.

Мазкур Қонун талабларидан келиб чиқиб, сиздан 2022 йил 24 июнь куни соат 15.00 га жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақиришингизни ва кун тартибига қуйидаги 17 та масалани киритишингизни таклиф этамиз.

Жумладан:

1. “Нишон пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. “Нишон пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. “Нишон пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. “Нишон пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг хулосаларини тасдиқлаш.
5. “Нишон пахта тозалаш” АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. “Нишон пахта тозалаш” АЖ ташқи аудиторининг 2021 йил молия-ҳўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. “Нишон пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш.
8. “Нишон пахта тозалаш” АЖ ижроия орган раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
9. “Нишон пахта тозалаш” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

“ЧИРОҚЧИ ПАХТА ТОЗАЛАШ”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 22 июнь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 15.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Муस्ताқиллик кўчаси, 153-уйда жойлашган “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 14.00 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.Chiroqchi paxta.uz

Кун тартибидаги масалалар:

1. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг хулосаларини тасдиқлаш.
5. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ ташқи аудиторининг 2021 йил молия-ҳўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖнинг ўтган йиллардаги тақсимланмасдан қолган соф фойдасини тақсимлаш.
8. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
9. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
10. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖнинг 2022 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
11. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ уставига тегишли ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш.
12. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
13. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
14. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш масаласини кўриб чиқиш.
15. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖдаги мавжуд фойдаланилмаётгани учун таъсирчан солиқ механизми қўлланилаётган объектларни давлат тасарруфига бериш масаласи.
16. “Чироқчи пахта тозалаш” АЖдаги муддати ўтган дебитор қарздорликларини жамият харажатига олиб бориш.
17. Йиллар мобайнида ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиб келинган натижасида фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган турли асосий восита, инвентарлар ва товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқарилиши;
 - кўп йиллардан буён оморларда харидор бўлмагани сабабли сотилмасдан сақланиб қолдиқда қолиб келаётган, вақт ўтиши, сақланиши эвазига ўзининг сифатини йўқотган, яроқли-

Ҳозирги кунгача жамиятга қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклифлар келиб тушган.

Т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси	Миллий стандартлар бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)
1.	“ZAMIN OIL – AUDIT ” МЧЖ	2022 йил 29 апрель № 31	8 000,0
2.	“Mustaqil–M” mas’uliyati sheklangan jamiyat shaklidagi Auditorlik tashkiloti	2022 йил 17 апрель №10	12 000,0
3.	“NEWGLOBAL PROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ	2022 йил 17 апрель №38	8 200,0
4.	“HOMBUR-AUDIT” МЧЖ	2022 йил 18 апрель №42	8 800,0

10. “Нишон пахта тозалаш” АЖнинг 2022 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
11. “Нишон пахта тозалаш” АЖнинг уставига тегишли ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш.
12. “Нишон пахта тозалаш” АЖ ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
13. “Нишон пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
14. “Нишон пахта тозалаш” АЖ кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш масаласини кўриб чиқиш.
15. Жамият томонидан “E-auktion” электрон савдо платформаларига савдога чиқарилган ва муддатида сотилмаган жамият активлари қийматини белгиланган тартибда босқичма-босқич тушириш масаласини кўриб чиқиш.
16. Жамиятда йиллар мобайнида ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиб келинганлиги натижасида бугунги кунда фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган турли асосий восита, инвентарлар ва товар-моддий бойликларни;
 - кўп йиллардан буён оморларда харидор бўлмагани сабабли сотилмасдан сақланиб қолдиқда қолиб келаётган, вақт ўтиши, сақланиши эвазига ўзининг сифатини йўқотган, яроқлилик муддати ўтган турли хилдаги товар-моддий қийматликлар, химикатлар;
 - пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш, ишлаб чиқариш ва пахта маҳсулотларини истеъмолчиларга ортиб жўнатиш жараёнларида ишлатиладиган ҳар хил турдаги ҳисоб-китоб бланклари, (ХЛ ва дафтарлар) пахта хом ашёсини етиштириш, қабул қилиш бўйича контрактация шартномаси бланклари ва турли хилдаги этикетка, ёрлиқлар;
 - носоҳавий йўналишлар, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида фойдаланиладиган турли хил китоблар, адабиётлар;
 - уй-рўзгор жиҳозлари, турли хилдаги кийим-кечак (трикотаж) маҳсулотларини Қонунчиликда белгиланган тартибда чиқим қилиш мақсадида бухгалтерия миллий стандартлари

талаблари асосида инвентаризациядан ўтказиб, тегишли ҳужжатлар ва белгиланган тартиб асосида харажатларни ҳисобдан чиқариш мақсадида 2022 йил молия-ҳўжалик фаолияти давомида корхона харажатларига олиб бориш, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.

17. Жамиятда баҳолаш жараёнида мустақил баҳолаш ва экспертиза хулосалари асосида омордан сотилган асосий воситалар ва товар-моддий бойликларнинг бухгалтерия дафтар қолдиғи қиймати билан баҳоланган нархи ўртасидаги фарқ суммаларини;

– таъсисчи (иштирокчи) сифатида корхона, ташкилот, МЧЖ-ларга киритилган таъсис улушларнинг қайтарилмагани ҳисобидан кўрилган зарар суммаларини;

– корхонанинг бухгалтерия баланси қаторларидаги ўтган йиллардан келаётган зарарлар, ундириш иконияти мавжуд бўлмаган камомадлар ва умидсиз дебитор қарздорлик суммаларини қайта таҳлил қилиб чиқиб, тегишли ҳужжатлар ва белгиланган тартиб асосида харажатларни ҳисобдан чиқариш мақсадида 2022 йил молия-ҳўжалик фаолияти давомида корхона харажатларига олиб бориш, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш;

– талаб қилиш муддати ўтган эски йиллардан шаклланиб келаётган, суд қарорлари, ижро ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ва кредитор корхона томонидан сўровномалар берилмаган кредитор қарздорликлари таҳлил қилиниб корхона даромадида олиш.

Шунингдек, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бўлентеларини таъқишги учун уч кишидан иборат саноқ комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар тавсия этилади:

Д. С. Турдиев – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатларни хизмати бошлиғи;

Э. Нормуродов – жамият ҳуқуқшуноси;

Ҳ. Д. Джумагулов – жамият акциядори.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2022 йил 27 май ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (3 иш кун олдин) 2022 йил 20 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Нишон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносидида танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, “Ёшлар диёри” МФЙ, “Нишон пахта тозалаш” АЖ.

Электрон почта: info@nishonpaxta.uz

Тел.: 99-416-28-63.

ТУГИЛГАН КУНИНГИЗ

МУБОРАК БЎЛСИН!

Июнь ойининг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги раҳбар котибаси **Феруза Бердиева**, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК ҳайдовчиси **Мирҳайдар Каримов**,

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Нозимбек Шомуродов**, Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича бош мутахассис **Зоҳиджон Қаҳҳаров**, Когон шаҳар қурилиш бўлими бош мутахассиси **Нозим Жумаев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош ҳисобчиси **Динара Файзулина**,

Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси ҳайдовчиси **Зафаржон Оқилов**, Ғаллаорол тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Жамол Қўлдашев**, Янгиобод тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Комилжон Маматқўлов**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси кадрлар бўйича бош инспектор **Асқарали Ақулов**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси девонхона бош мутахассиси **Феруза Юсупова**, бош инспекторлар **Комил Жуманов**, **Обид Хушмуратов**, АРХ бўлим бошлиғи **Беҳзод Ғузоров**,

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирли **Жалғасбай Бердиханов**, Амударё тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектор **Расул Юлдашев**,


Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими инспектори **Улуғбек Давлатов**,

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси шаҳар ва туманлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Фаррух Ҳалимов**,

Сирдарё вилояти қурилиш бош бошқармаси аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўлими бош мутахассиси **Юсуф Раҳмонов**,

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси қоровули **Илҳомбек Аллабергенов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



ЎЗБЕКИСТОН БУНОДКОРИ

O'ZBEKISTON
BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир уринбосари	Абдусами Ҳақбердиев
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусаҳҳиф	Марҳамат Мусулмонкулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГАСКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,

Абай кўчаси, 6-уй.

Телефонлар:

71-244-21-71 (қабулхона),

71-244-15-13 (котибият),

71-244-22-10 (бухгалтерия),

71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).

E-mail: uzbunyodkori@gmail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон
Республикаси:** 90-590-37-15.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.

Бухоро вилояти: 99-705-50-15

Жиззах вилояти: 99-525-30-05.

Навоий вилояти: 99-731-17-40.

Наманган вилояти: 90-553-02-34.

Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.

Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.

Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.

Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.

Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-643.
2210 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоиси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – Р. Ҳўжаева.

Ўза якуни – 01.50.
Топпирияти – 02.30.



Райхона ХҲЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хабарингиз бор, газетамизнинг ўтган сониди "Янги истеъдодлар – 2022" Республика кўрик-танловига старт берилгани ҳақида маълумот берган эдик. Қурилиши вазирилик томонидан ҳар йили анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган ушбу танлов бу йил ўзгача тарзда – катта тайёргарлик, улкан қизиқиш ва янги раҳбарлик бўлиб ўтди. 300 дан ортиқ ёшларни бир жойга жамлаган танлов таассуротлари ҳам шунчаки эмас, албатта. Қуйида кўрик-танловнинг ғолиб ва иштирокчилари, ўқитувчи ва ҳакамларнинг таассуротлари билан яқиндан танишишингиз мумкин.

Азамиддин ҚҲЛДАШЕВ, Қурилиш вазирилик Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи:

– 2014 йилдан буён анъанавий равишда ўтказиб келинаётган танловга бу йил катта тайёргарлик кўрилди ва у ўзгача руҳда ўтди. Тўққизинчи мартаба ташкил қилинган кўрик-танловнинг аввалиги иштирокчилари томонидан бажарилган ишлар бугун ўз натижасини кўрсатиб улгурган. Бу каби танловларда иштирок этиш учун талабада билим ва кўникмадан ташқари, алоҳида иқтидор бўлиши керак. Мана шу хусусиятларни ўзида мужассам эта олган талабаларнинг кўпчилиги бугун устозлари қаторида фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, танловда олдинги йилларда намойиш этилган инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳалар бугунги кунда юртимиздаги йирик ташкилотлар томонидан ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳам қувонарли.

Йилдан-йилга иштирок этиувчилар сонининг ошиб бораётгани танловнинг аҳамияти ортиб бораётганидан далолат беради. Хусусан, бу йилги республика босқичида юртимиздаги 10 дан зиёд олий таълим муассасаларидан 300 га яқин талабанинг 500 дан кўпроқ ишлари баҳоланди. Бу йилги танлов комиссияси таркибига хорижий экспертлар ҳам жалб этилганлиги унинг нуфузи тобора ортаётганига яна бир далилдир. Танлов жараёнида Қурилиш вазириликнинг бошқарма ва марказ раҳбарлари, 50 дан зиёд қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз фикрларини билдиришди. Қолаверса, ўзларига маъқул янги лойиҳалар билан танишиб, келгусида талабалар билан ҳамкорликда ишлашни билдирганлар ҳам бўлди. Танловда ҳамма ғолиб бўлмаслиги мумкин, аммо мени назаримда ўз лойиҳасини бу ергача олиб келиб, намойиш эта олган талаба борки, ғолиб ҳисобланди.

Эржан КАҲЯ, ТАҚИ ректори:

– Мен бу танловда илк мартаба қатнашдим. Аммо талабалар томонидан тақдим этилган ишларни кўриб, тўғриси ҳайратга тушдим. Бу каби танловларни ташкил қилиш албатта, талабалар учун фойдали. Ўзбекистондаги кўпгина олий ўқув юртилари талабаларининг иштирок этгани эса ўзaro фирм ва таъжриба алмасиш учун қулай муҳит яратди. Келгусида ушбу кўрик-танловни халқаро миқёсда ҳам ўтказишни ният қилдик. Тўғриси айтсам, ҳакамлар ҳайъати аъзоси бўлмаганимдан хурсандман. Чунки лойиҳаларни кузатиб, барчаси бир-биридан яхши ва ноодатий тарзда яратилгани учун ғолибларни аниқлаш анча мушкул бўлди. Танлов баҳонасида ўзбек ёшлари ҳақиқатан ҳам жуда иқтидорли ва ҳуқуқ билимга эга эканлигига яна бир қарра амин бўлдим.

Кўрик-танлов низомига кўра, ҳар бир йўналиш бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзолари белгиланди, улар кўп йиллик таъжрибига эга соҳа ходимлари ва профессор ўқитувчилардан шакллантирилди. Талабаларнинг ишларини синчковлик ўрганиб, керакли саволларни бериб, уларнинг билим ва маҳоратини аниқ мезонлар асосида баҳолаган ҳакамларнинг фикрлари ҳам қизиқ бўлиши шубҳасиз.

Саидхон БҲЛАТОВ, Низомиёни номидagi Тошкент Давлат педагогика университетининг Таъсирли санъат кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори:

– Танловда "Энг яхши рангтасвир ва амалий санъат асари" номинацияси бўйича иштирокчиларнинг ишларини баҳоладик. Рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва ёғоч ўймакорлиги йўналишларида талабалар бир-биридан қизиқарли ва бетакор ишларни намойиш этишди. Мени қувонтирган нарсаси шунки, ҳар бир ишда талабаларнинг ўзига хос қарашлари мужассам, фақат ўзигагина хос ёзуви бор. Ҳар бир олий таълим муассасаси талабаси ижод намунасини ўз яшаш ҳудуди, шароити ва устозларининг кўрсатмаларига мувофиқ бажарганлигини кўриш мумкин. Айнаш шу жиҳатлари билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Айниқса, портрет, манзара, архитектура йўналишлари бўйича топширилган ишларни кузатиб, ўзимиз ҳам завқландик. Ишчи талабанинг ўзи бажарганини аниқлаш учун турли саволлар бериб сынаб кўрдик. Ўйлаيمانки, бундай кўрик-танловларни ташкил этилиши иқтидорли талабаларни, энг муҳими, керакли кадрларни танлаб олиш имконини ҳам яратди. Ҳар бир ишнинг ўз янгилиги бор, шунини топишга ҳаракат қилдик. Бу йўналишда ҳали ўрганилмаган мавзулар, очилмаган қирралар кўп. Бундай кўргазмалар танловлар эса ана шундай иқтидор эгаларини топишга ёрдам беради.



ридан фарқ қилади. Айниқса, портрет, манзара, архитектура йўналишлари бўйича топширилган ишларни кузатиб, ўзимиз ҳам завқландик. Ишчи талабанинг ўзи бажарганини аниқлаш учун турли саволлар бериб сынаб кўрдик. Ўйлаيمانки, бундай кўрик-танловларни ташкил этилиши иқтидорли талабаларни, энг муҳими, керакли кадрларни танлаб олиш имконини ҳам яратди. Ҳар бир ишнинг ўз янгилиги бор, шунини топишга ҳаракат қилдик. Бу йўналишда ҳали ўрганилмаган мавзулар, очилмаган қирралар кўп. Бундай кўргазмалар танловлар эса ана шундай иқтидор эгаларини топишга ёрдам беради.

Абдуманноб ЗИЯЕВ, ҳакам:

Ўзбекистонда ҳозирги кунда минглаб маданий мерос объектилари ва ёдгорликлар бўлиб, уларни таъмирлаш ҳамда тиклаш бўйича мутахассисларга талаб катта. Қувонарлиси, ушбу кўрик-танловда қатнашган талабалар томонидан айнан шу йўналишда жуда яхши тақлиф ва лойиҳалар намойиш этилди. Аслида иншоотнинг эски ҳолатини сақлаб қолган ҳолда қайта тиклаш мураккаб иш. Шунга қарамай, аксарият талабалар объектларнинг тарихи ва қурилиши ҳақида батафсил билимга эга. Ишчи ўрганиб, тушуниб яратгани ва шунга асосланиб ўз тақлифларини бергани таҳсинга сазовор. Тақдим этилган лойиҳаларнинг кўпи амалий бўлиб, аслида мавжуд бинолар асосида лойиҳа қилинган. Бу лойиҳалардан келажакда қўллаб янги ишларда фойдаланиш мумкин. Камчилик ва хатоларини кўрсатиб, керакли тавсияларни бердик.

Талабаларнинг ишлари қанчалик таҳсинга сазовор бўлмасин, унда албатта, устознинг ҳам қандайдир таънода ҳиссаси қўшилган бўлади. Эътибор берадиган бўлсак, ўз касбининг устаси бўлган фидойи устозларнинг шоғирдлари ҳам улардек иқтидорли бўлишди.

Салоҳиддин ИБРАГИМОВ, ТАҚИ Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш кафедраси доценти в.в.б.:

– Улкан қурилиш майдонига айланган юртимизда қурилиш материаллари бўлган талаб ҳам кундан-кун ортиб бораётти. Ушбу танловда беш нафар шоғирдимиз бир жамоа бўлиб, ўзлари яратган янги лойиҳа тақдироти билан қатнашиб, ғолиблар сафидан ўрин олишди. Бундан устоз сифатида жуда ҳам қувондик. Улар яратган қурилиш материалларини умумлаштирувчи платформа лойиҳаси юртимиз қурилиш бозори учун бугунги кунда энг керакли воситалардан биридир. Лойиҳа келажакда амалга оширилса, миллионлаб кишиларнинг вақтини ва нақдини тежаси аниқ. Қолган иштирокчиларнинг ҳам лойиҳа ва тақлифларини кузатиб, шунга амин бўлдими, бугун архитектура ва қурилиш соҳасида иқтидорли ёшлар жуда кўпайган. Бу каби танловлар орқали уларга аниқ йўналиш ва тавсиялар берилса, келгусида ўз самарасини бериши аниқ.

Диёржон НИҒМАТЖОНОВ, ТАҚИ 1-босқич магистранти:

– Танловда "Энг яхши зилзилабардош бинолар" номинацияси бўйича ўз лойиҳам билан қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгалладим. "Қурилишда 3Д принтер ёрдамида барпо этиладиган зилзилабардош биноларнинг замонавий конструктив ечимини" номли лойиҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Тенгдошларим билан фикр алмашиб, биллиларимизни синовдан ўтказдик. Шахсан мен учун танловдаги ютуғим келгусидаги фаолиятим учун катта мотивация берди. Келгусида бу юғни амалиётга татбиқ этман ва одамларга фойдаси тегади деган умидман.

Бу ютуққа эришишимда албатта, институтимиз профессор-ўқитувчилари, устозларим, қолаверса, ушбу лойиҳага илмий раҳбарлик қилган доцент Саидгани Юсуфхўжаевнинг хизмати ва кўмагини алоҳида эътироф этишни истайман. Бино ва иншоотларнинг мустаҳкам қурилиши жараёнида қўл келадиган ушбу лойиҳа ҳакамлар ҳайъати диққатини жалб қилгани ўзимга бўлган ишонччи наъдада орттирди. Лойиҳамнинг асосий мақсади – аҳолини сифатли ва зилзилага бардош бера оладиган турар жойлар билан таъминлашдир. Бунда бинонинг туғунлари учун конструктив ечим ҳам тақдим этилгани ишнинг яна бир ютуғи сифатида эътироф этилди.

Шаҳодат УМАРҚУЛОВА, ТАҚИ 4-босқич талабаси:

– Ушбу кўрик-танловда ўзимнинг Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри учун яратган инновацион соҳил бўйи ландшафт лойиҳам билан қатнашдим. Ишим энг яхши ландшафт лойиҳаси деб топиладиганидан 1-ўринни эгаллаганимдан хурсандман. Ушбу лойиҳа юртимизнинг ҳуснига ҳусн қўшиб, унинг туристик салоҳиятини оширишга, янги иш ўринлари яратилишига ҳамда энг асосийси, ўзбек миллий орнаментларини замонавий талқинда

амалиётга татбиқ этишга хизмат қилади. Лойиҳада соҳил бўйига ташриф буюрувчиларни маданий ҳордиқ олиши учун барча шарт-шароитлар мужассам бўлади. Бундан ташқари, унда бир қанча кўнгилочар савдо мажмуалари, ресторан, кафе, кутубхона, спорт майдончалари, болалар майдончалари ҳамда транспорт воситалари учун тураргоҳлар ҳам мавжуд. Шу билан бирга, бу ерга ташриф буюрувчиларни атроф-муҳит гўзаллигидан баҳраманд бўлишлари учун панорама кўприкларини ҳам лойиҳаланган. Бу лойиҳани яратишда менга чин дилдан ёрдам берган илмий раҳбарим Тимур Сафиевдан ҳам миннатдорман.

Ситора ЧИНПҲЛАТОВА, ТАҚИ, 1-босқич магистранти:



– Танловда "Энг яхши инновацион қурилиш мате р и а л л а р и ва технологиялари" номинацияси бўйича ўзимнинг икки ва уч қатламли энергия тежамкор девор блоклари билан қатнашдим ва 1-ўринга сазовор бўлдим. Бу блокларнинг бошқа қурилиш материалларидан афзаллиги шундаки, конструкцияда юк кўтариш, иссиқ-суюқ ҳамда шовқиндан ҳимоя қилишга эга бўлиб, ортиқча меҳнат сарфи ва вақтини тежашга ёрдам беради. Илмий янгилик таркибига активлаштирилган бархан қуми қўшилган бўлиб, бу блокнинг зичлигини ошириб цемент сарфини 20 фоизга камайтиради ҳамда иқтисодий самарадорликка эришишга ёрдам беради. Бу намунани устки қисми ҳаттоки фасад қопламасига ҳам эга. Ҳамдан фойдаланилганда бина ташқи фасади ҳам девор билан биргаликда тайёр бўлади. Бу эса уч томонлама тежамкорликка эришиш деганидир.

Жаҳонгир БАРАТОВ, ТАҚИ, 1-босқич талабаси:

– Танловда жамоамиз билан "Энг яхши инновацион бизнес лойиҳа" номинацияси бўлиб бўлдик. Ж а м о а м и з аъзо л а р и, яъни, курсдошларим – Муҳаммадали Маҳмуджонов, Марварид Акбарова, Бексултан Бегимуратов, Жайхун Эргашов билан биргаликда ўз бизнес лойиҳамизни яратдик. Биз ташкил қилган "Беттер Ҳомес" лойиҳаси қурилиш материалларини тақлиф қилувчилар, қурилиш соҳаси ишчилари ва харидорлар, уларини таъмирловчи ва янги уй қурувчиларни бир-бири билан боғлаши кўзда тутилган. Ушбу замонавий платформа фойдаланувчилари ўзларининг вақти, энергияси ва пулини тежаман ҳолда осонгина қурилиш қилишлари мумкин. Ҳаётининг турли жиҳатларини диққатини таллайиш ва уни профессионаллар орқали баҳолашти, сотиб олиш, етказиб бериш, ишларни бажариш имконияти сизда мавжуд бўлади. Қолаверса, усталар вақтини сарфламай иш топишлари, дўкончилар товар айланмасини кескин оширишлари ва ўзларининг кўп миқдордаги мижозларига эришишлари мумкин. Келажакда бу лойиҳани амалиётга татбиқ этиш, энг катта мақсадиимиз.



“ЯНГИ ИСТЕЪДОДЛАР – 2022” ТААССУРОТЛАР, ТАФСИЛОТЛАР ВА НАТИЖАЛАР

ЭНГ ЯХШИ РАНГТАСВИР ВА АМАЛИЙ САНЪАТ АСАРИ
(РАНГТАСВИР, ГРАФИКА, ҲАЙКАЛТАРОШЛИК ВА ЎЙМАКОРЛИК)

1-ўрин Абдуғафорова Зухра Фазилдин қизи – ТАҚИ
2-ўрин Очилов Кудрат Ибодуллаевич – СамДАҚИ
3-ўрин Дилияверова Зарина Фарход қизи – СамДАҚИ

ЭНГ ЯХШИ АРХИТЕКТУРАВИЙ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА ВА МАКЕТ

1-ўрин Данилов Владислав Валентинович – ТАҚИ
2-ўрин Саидкулов Шохруҳ Шахриёр ўғли – СамДАҚИ
3-ўрин Файзуллаева Шаҳзода Бахтиёрвна – БухМТИ

ЭНГ ЯХШИ МЕЪМОРИЙ ТАЪМИРЛАШ, ҚАЙТА ТИКЛАШ ЛОЙИҲАСИ ВА КОМПОЗИЦИЯ

1-ўрин Абдурахмонов Ботиржон Сайдулла ўғли – ТАҚИ
2-ўрин Холмуродов Муродулло Баҳодир ўғли – БухМТИ
3-ўрин Уктамов Жаҳонгир Тугалбой ўғли – ТАҚИ

ЭНГ ЯХШИ ЛАНДШАФТ ВА ИНТЕРЬЕР ДИЗАЙНИ

1-ўрин Умарқулова Шаҳодат Машраб қизи – ТАҚИ
2-ўрин Раҳимов Шахриёр Камолевич – СамДАҚИ
3-ўрин Салимов Шохруҳ Бахтиёрвич – СамДАҚИ

ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИОН МУҲАНДИСЛИК-КОММУНИКАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ВА ИШЛАНМАЛАРИ.

1-ўрин Ғаниев Шерзодхон Зафархон ўғли – ТАҚИ
2-ўрин Равшанова Мафтуна Саидалиевна – СамДАҚИ
3-ўрин Матёкубов Юсуфбой Фарид ўғли – ТАҚИ

ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИОН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

1-ўрин Чинпўлатова Ситора Бобоқул қизи – ТАҚИ
2-ўрин Абдувоҳидов Шахриёр Бурхон ўғли – СамДАҚИ
3-ўрин Раҳимов Элбек Раҳимович – УрДУ

ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИОН БИЗНЕС ЛОЙИҲА

1-ўрин Баратов Жаҳонгир Эркинхон ўғли – ТАҚИ
2-ўрин Холбоев Санжарбек Олимжон ўғли – ТАҚИ
3-ўрин Хатамова Озода Олимовна – ТАҚИ

ЭНГ ЯХШИ ЗИЛЗИЛАБАРДОШ БИНОЛАР ВА КОНСТРУКЦИЯЛАР

1-ўрин Ниғматжонов Диёржон Ғайратжон ўғли – ТАҚИ
2-ўрин Фозилжонов Муҳаммадин Сирожиuddin ўғли – ТАҚИ
3-ўрин Қулиев Асадбек Қаҳрамонович – ТАҚИ

ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИОН ЭНЕРГОСАМАРАДОР ЛОЙИҲАЛАР ВА ИШЛАНМАЛАР

1-ўрин Абдухалиқов Абдуазиз Абдураимович – СамДАҚИ
2-ўрин Хусанбоев Исмоилжон Шухрат ўғли – ТАҚИ
3-ўрин Эсонов Олимжон Обиджон ўғли – ФарПИ

Камола РАШИДОВА, Урганч давлат университети талабаси:

– Болалигимдан расмчиликка қизиққанам учун суратлар чизиш жону дилим. Устозларим Соҳиба Мангисева ва Мақсуд Нурметовлардан расмчиликни пухта ўрганиб келялман. Ҳозирда Урганч давлат университети Техника факультети архитектура йўналишида ўқиялман. Бу танловга "Энг яхши рангтасвир ва амалий санъат асари (рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва ўймакорлик)" номинацияси бўйича қатнашиб, ўзим чизган ижод намуналаримни намойиш этдим. Гарчи ғолиблар сафидан ўрин эгалламаган бўлсам ҳам, ишларим ҳакамлар ҳайъати ва бошқа иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотганидан хурсандман. Келгусида маҳоратимни янада ошириб, халқаро танловларда ҳам ғолиб бўлиб, юртимизни дунёга танитишни истайман.



собланади. Кафе дизайни асосан турли ўсимликлар ва гуллардан иборат. Бу гуллар тувакларга эмас, бевосита кафе йўлакларининг ўзига ўсади. Лойиҳада шунингдек, шаршара ҳам мавжуд. Уни ичига балиқлар ҳам солиш мумкин ва атрофи жонли гуллар ҳамда яшил ўтлар билан безалади. Сув тепадан тушиб, айланб туради. Бу лойиҳани амалиётга бемалол қўллаш мумкин.

Кудрат ОЧИЛОВ, СамДАҚИ 4-босқич талабаси:

– Халқ амалий санъат турига болалигимдан қизиқиш юқори. Қолаверса, бир йилгитта қирқ хунар ҳам оз дейишди. Танловга "Энг яхши рангтасвир ва амалий санъат асари (рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва ўймакорлик)" номинацияси бўйича ўзим ясаган ўйма курси, ўйма лаган ва ўйма тошойна каби буюмларни тақдим этдим ва 2-ўрин соҳиби бўлдим. Биласизми, ҳар бир ясалган буюм хунарманд учун фарзандидек қадри ва янги бўлади. Бу ишларни бировдан кўчириб бажариш мумкин эмас. Назаримда, ҳар бир иш такорланмас асар сифатида вужудга келади. Ясаган буюмларим кишиларнинг маънавий оламни бойитиб, эстетик завқ бағишласа барча чеккан машаққатим унутилади. Ҳазрати имом масжиди атрофида дўконимиз бор, устозларимдан ўрганганларимни бугун ўзим ҳам шоғирдларимга ўргатмоқдам.

Бир донишманд ҳаётимиз давомида учраган ҳар инсон ёки ҳар ишдан нимадир ўрганишимиз, бу бизнинг энг катта ютуғимиз деган экан. Демак, танловда қатнашиб, ғолиб бўлган ҳам, бўлмаган ёшлар ҳам ўзи учун нимадир янгилик олиб кетгани рост. Зеро, танлов иштирокчилари ва кузатувчиларининг таассуротларидан бу фикрнинг қанчалик ҳақиқат эканлигини англаш қийин эмас.

Танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан махсус диплом билан тақдирланиб, моддий рағбатлантирилди. Шунингдек, фол иштирокчиларга ташаккурномалар берилди.

Сагина ҲАҚБЕРДИЕВА, СамДАҚИ 1-босқич магистранти:



– Бугун экологияни асраш глобал муаммолардан бирига айланди. Шу боис, танловда "Яшил кафе" номли флора лойиҳам билан қатнашдим. Бу йўналиш юртимизда айричи жойларда қўлланилгани билан, ҳали янги ҳисобланади. Дизайн ва интерьер йўналишида ўқиганим учун, ўзим дунё архитектурасига жуда қизиқман. Бугун Европа мамлакатларида табиий муҳитни ифодалаб турувчи объектларга қизиқиш юқори. Шу боис, мен ҳам юртимизда бундай кафелар қўллаб қурилишини истайман. Ушбу кафе лойиҳаси флораконпозиция ҳи-